



# ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим 17 май куни расмий ташриф билан юртимизга келди.



Пойтахтимиз аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Малайзия Хукумати раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Бир неча минг қақирим масофа истаклари, йирик лойиҳалари муштарак давлатларни ажрата олмайди. Ўртада эзгу ният ва ҳамкорлик учун қатъий интилиш бўлса кифоя.

Тошкентдан Куала-Лумпурга учган самолёт тахминан ярим кун парвоз қилади. Бу маълумотни Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги масофани тасаввур қилиш учун келтирдик. Манзил олис, лекин икки давлатнинг дини бир, қадриятлари ўхшаш.

Бош вазир Анвар Иброҳим ва Малайзия делегацияси аъзолари “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли ва ушбу ноёб мажмуанинг яратилиши тарихи билан танишди.

“Кўксарой” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат миллий маршларини ижро этди.

Қароргоҳ фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кулдилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида Малайзия Хукумати раҳбари Президентимизга Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳимнинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказиб, делегациясига кўрсатилаётган илиқ ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Музокарада Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали

шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти сўнги 16 йилда илк бор ўтказилаётган ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида янги давр очаётганини таъкидлади.

— Малайзия нафақат Жануби-Шарқий Осиё минтақасида, балки жаҳон миқёсида катта салоҳиятга эга бўлган, жадал ўсиб бораётган давлатдир. Мамлакатингиз билан алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш асосий мақсадимиз ҳисобланади, — деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти.

Сиёсий мулоқот ва парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, гуманитар ва таълим дастурларини амалга ошириш, туризм ва маданий алмашинувни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йил якуни бўйича товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан зиёда ўсди,

қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасидаги авиарейслар кўпаймоқда.

Ўзаро савдо ҳажмининг келгусида ҳам ўсишини таъминлаш ва кўрсаткичларини мувозанатлаштириш, йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ташриф доирасида ўтказилган Ўзбекистон — Малайзия бизнес форуми якунида инвестициявий шерикликни кенгайтиришга, инновациялар, sanoat, “яшил” энергетика, нефть-кимё, электр техникаси ва электроника, фармацевтика ва бошқа соҳаларда етакчи компаниялар кооперациясига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ушбу сайё-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз Ўзбекистон — Малайзия sanoat зонасини ташкил этишга тайёр экани таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, “Халол” стандартлари бўйича сертификатлаштириш масалалари юзасидан ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Ахборот технологиялари, камбағалликни қисқартириш ва транспорт боғлиқлигини кенгайтириш соҳасидаги шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кун тартибиди тизимли кенгайтириш мақсадида амалдаги Савдо бўйича қўшма қўмитани Хукуматларо комиссияга айлантириш ва унинг биринчи йилги ишларини жорий йилда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашинувни янада фаоллаштиришга қатъий интилиш билдирилди.

Қадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, энергетика, ислом молияси, экология, сунъий интеллект, туризм соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий-амалий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Малайзиялик сайёҳларнинг Ўзбекистонга оқими тез суръатларда ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Зиёрат туризми бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш, шу жумладан, “Умра плюс” лойиҳасини илгари суриш ҳамда ёшларимиз ўртасида мулоқотни мустаҳкамлаш чоралари муҳокама қилинди.

Етакчилар Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари ҳамда Афғонистон масаласи юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Қўшилмаслик ҳаракати доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

“Марказий Осиё + АСЕАН” форматиди ташқи ишлар вазирлари мулоқотини тузиш таклифини кўриб чиқиш ташаббуси билдирилди.

Ишончли, очик ва дўстона муҳитда ўтган музокаралар якунида бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Малайзия Бош вазири Кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим музокарадан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот билан чиқдилар.

Етакчилар очик, ишончли ва дўстона муҳитда ўтган саммитнинг самарали натижаларини юқори баҳоладилар.

Давлатимиз раҳбари икки халқ ўртасидаги умумий дин, муштарак урф-одат ва қадриятларга асосланган азалдан яқин алоқаларни алоҳида таъкидлади.

— Малайзия нафақат Жануби-Шарқий Осиёда, балки бутун жаҳонда жадал тараққий этиб бораётган давлат, бизнинг вақт синовларидан ўтган ишончли ҳамкоримиздир, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ривожланиш ва модернизацияга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” ва “Малайзия Мадани” стратегик дастурларининг мақсад ва вазифалари ўхшаш экани таъкидланди.

Малайзия Бош вазирининг бутунги тарихий ташрифи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очиши ва уларнинг ривожланишига кучли суръат бағишлаши қайд этилди.

Музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича устувор йўналишлар ва янги марралар белгилаб олинди.

Олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқот ва алоқаларни фаоллаштириш, қўшма Хукуматларо комиссияни ишга тушириш юзасидан келишувларга эришилди.

Яқин келажақда икки томонлама муносабатларни кенг қамровли ҳамкорлик даражасига олиб чиқишга ўзаро интилиш билдирилди.

Етакчилар товар айирбошлаш ҳажмини ва қўшма корхоналар сонини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Томонлар бу кўрсаткичларни яқин келажақда бир неча баробарга ошириш борасида тизимли ишларни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари бу мақсадга эришишда товарлар номенклатурасини кенгайтириш ва ўзаро савдонинг мувозанатлилигини таъминлаш, учинчи мамлакатлар бозорларига биргаликда чиқиш, юқори технологияли лойиҳаларни илгари суриш учун махсус sanoat зонасини яратиш лозимлигини таъкидлади.

Энергетика, нефть-кимё, тоғ-кон, электротехника, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, молия, IT ва бошқа тармоқларда кооперация бўйича аниқ режалар белгиланди.

Самарқанд шаҳрида икки мамлакатнинг етакчи компаниялари иштирокида бўлиб ўтадиган бизнес форумининг натижалари, имзоладилан салмоқли инвестиция битимлари ҳамкорликка янги мазмун бағишлашига ишонч билдирилди.

Минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида яқин мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга қатъий интилиш таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга, жумладан, маданият ҳафталиклари, ёшлар, таълим ва спорт форумлари, турли кўргазмаларни ўтказишга қаратилган чоралар қабул қилинади.

Саммитнинг натижалари Ўзбекистон — Малайзия муносабатларини мустаҳкамлашга, кўп қиррали ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилиши қайд этилди.

Музокаралар якунида бўйича барча эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон — Малайзия саммити якунида “Кўксарой” қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Анвар Иброҳим Фахрий меҳмонлар хиббониди арча эқдилар.

Бу халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлини бораётгани, икки мамлакат етакчиларининг Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қатъий интилишининг рамзи бўлди.

Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқрол АБВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТАВАЛЛУД КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

17 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан чин юракдан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош қозоқ халқига тинчлик ва равақ тилади. Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта шахсий ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга доир долзарб масалаларни кўриб чиқдилар.

Хива шаҳрида бўлиб ўтган амалий учрашувдаги келишувларнинг ижроси ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаларининг янги портфелини шакллантириш, бизнес ва ҳудудларни жалб қилган ҳолда sanoat, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги кооперацияни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. Фаол маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

### ЮҚОРИ ИЖРО ИНТИЗОМИ — АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ УСТУВОР ОМИЛ

Бугун мамлакатимиздаги изчил ислохотлар муайян соҳага масъул раҳбардан тортиб, оддий мутахассисгача — барчанинг зиммасидаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқори талабчанлик, қатъий ижро интизоми асосида иш юритишни таъминлаш зарур. Чунки тартиб-интизом бор жойда ўсиш, ривожланиш ва натижа бўлади.

Шу маънода, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фавқуллоҳда вазиятлар вазирлигининг ҳар бир офицери, сержанти ва хизматчи ходими “Ўз вақтида оғоҳлантириш, қўқариш ва ёрдам бериш” шiori остида юртимиз аҳолиси ҳамда ҳудудларни ёнгин ва бошқа тусдаги фавқуллоҳда вазиятлардан муҳофаза қилиш учун бор куч-имкониятини сафарбар этиб келмоқда.

Халқимизда “Режасиз иш — қолмасиз ёшиш” деган нақл бор. Албатта, фаолиятимизда давлатимиз

раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорларини бош режа, дастуруламал қилиб олиб, юқори талаб даражасида ижро қилиш, биринчи гада, ижро интизомини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.


Рақамларга тўхталадиган бўлсак, ўтган даврда Ўзбекистон Республикасининг 35 та қонуни, Президентимизнинг 35 та фармони, 54 та қарори ва 23 та фармойиши ҳамда 60 та баёни, шунингдек, Президент Администрациясининг 420 та, Олий

Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг 76 та топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 130 та қарор ва фармойиши, 250 та баёни ҳамда 715 та топшириғининг ижроси таъминланди.

“Ijro.gov.uz” тизимида КРП самардорлик кўрсаткичлари бўйича **платформа** яратилиб, масъул раҳбарларнинг шахсий масъулияти янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлар доирасида қабул қилинган 1 та фармон ва 2 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори белгиланган вазифалар самардорлигининг ошишига ва қатор ижобий натижаларга эришилшига хизмат қилмоқда.

## ЎЗБЕК САНЪАТИГА ҚЎЙИЛГАН БЕБАҲО ОБИДА





Ботир Зокиров узоқ йиллар оғир касаллик билан курашишига тўғри келган. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошдан кечирган. Шифокорлар унга қўшиқ айтишни таққиллаб қўяди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан тўхтамади. “Куйламок — яшамок демакдир”, дея яшади, қалбдан куйлаб, миллионлаб қалбларни забт этди.

Муносабат

ЎЗБЕК САНЪАТИГА ҚЎЙИЛГАН БЕБАҲО ОБИДА



Хайкал Муҳаммад Юсуф Раҳимов ташкил қилган

улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен нишонман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, дея билдирган эзу ниятлари ўтган вақт мобайнида босқичма-босқич юзага чиқмоқда. Кейинчалик маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан яна бир неча бор учрашувлар ўтказилганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Чиндан ҳам, Ботир Зокировнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, бой ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш йўлида улкан ишлар қилинмоқда. Булар ҳақида батафсил сўз юритилганда аввал, келинг, буюк санъаткорнинг ҳаёти ва фаолиятига оид айтилган жиҳатларга тўхталиб ўтсак. Зеро, Ботир Зокировдек ноёб истеъдод эгасининг қисса, аммо баракали умри, ижоди, меҳнатлари катта ибратдир.

Ботир Зокиров ўзбек эстрадасига асос солиб, миллий маданиятимизни ривожлантириш, уни дунё миқёсига кенг тарғиб этишга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткордир. У нафақат моҳир хонанда, балки Шарқ халқлари мусиқа санъати билимдонини, шоир, бастакор, расом, драматург, актёр, таржимон, бир сўз билан айтганда, серқирра ижодкор сифатида мамлакатимиздан ташқари узоқ ва яқин ўлкаларда юксак хурмат-эътибор қозонган.

Ботир Зокировнинг санъатга меҳр қўйишида оиладаги муҳитнинг таъсири жуда катта бўлган. Давлатимиз раҳбари ҳайкалнинг очилишида ҳам бунга алоҳида ургу берди. Яъни у зиёли муҳитда туғилиб, вояга етди. Ботир Зокировнинг отаси — опера хонандаси, баритон, Ўзбекистон халқ артисти

Карим Зокиров Алишер Навоий номидаги академик катта театрда фаолият юритган. Ониси Шохиста опа Саидова миллий кўшиқлар ижроچиси сифатида ном қозонган ва кейинчалик Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида ишлаган. Шунинг учун ҳам Зокировлар хонадонида ҳаммиша ўзига хос ижодий муҳит ҳукм сурган.

Яқинларининг эслашича, Карим ака ва Шохиста опа фарзандларини театрга олиб боришни аънамага айлантирган. Фарзандлари опера ижроларини, “Алпомиш”, “Тўрғўли”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби миллий асарларни тинглаб улғайган. Бунинг таъсирида Ботир Зокиров опера мусиқалисига айланган. Санъат йўлига дадил қадам қўйиб, юксак марраларга эришган. Мана сизга оиладаги тарбиянинг аҳамияти.

Ботир Зокиров кишини ҳайратга солади-ган даражада бой репертурга эга санъаткор эди. Унинг ижросидаги ўзбек, араб, рус, италиян, француз, испан ва бошқа тиллардаги кўшиқлар нафақат ўз даврида, балки бутунги кунда ҳам севиб тинланилади. Хусусан, “Раъно”, “Ёр, кел”, “Газли”, “Қайдасан”, “Сени эсламан”, “Мафтун бўлдим” каби ижод намуналарини ўзбек эстрада санъатининг энг нодир асарларидан дейиш мумкин.

Шу билан бирга, араб тилидаги “Араб тангоси”, “Орузларим машаали”, “Ўтмишимга йиғлайман”, ҳинд тилидаги “Нечун халга чўмдинг”, “Дил орузси”, “Мейчале”, италиян тилидаги “Яшасин, муҳаббат” каби кўшиқлар Ботир Зокиров томонидан асл тилда юксак маҳорат билан ижро этилган.

“Араб тангоси”ни хонанда Москвада ўтказилган 6-жаҳон ёшлар ва талабалар фестивалида куйлаб, дунёнинг 130 дан ортиқ давлатидан келган 34 мингдан зиёд ёшнинг олқишига, юксак баҳосига сазовор бўлган. Ўшбу кўшиқ айнан Ботир Зокиров ижроси туфайли ҳақиқий машҳурликка эришган, десак муболага бўлмайдир.

Хонанда Франциядаги гастролларда нозиктаб французларни ўзбек, француз, араб ва рус тилларидаги гўзал ижролари орқали мафтун этганини санъат аҳли жуда яхши билади. Францияликлар ўш вақтида уни “Ўзбек шансоньеси”, “Ўзбек Шарль Азнавур” деб атагани ҳам бежиз эмас. Унинг айнан Парижда қилган ижодий сафари оламшумул шухрат келтирган. Бунинг Президентимиз ўз нутқида алоҳида эътибор билан “Ўшбу шаҳардаги машҳур Олимпия театри сахнасига кўтарилиб, икки марта куйлаш — эътибор беринг, икки марта куйлаш дунёда камдан-кам ижрочига насиб этган. Ноёб истеъдоди билан жаҳонни забт этган бундай афсонавий санъаткоримиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди”, дея таъкидлади.

Ўша вақтларда француз матбуоти “Ботир Зокиров Шарль Азнавурдан фарқли ўлароқ микрофондан узоқроқ туриб куйлади. Акс ҳолда, хонанданинг овозига микрофон дош бера олмаган бўларди”, деб ёзгани буюк санъаткорнинг овоз имкониятларига, маҳоратига бағирлан юксак баҳодир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ботир Зокиров ижодий фаолиятидаги яна бир муҳим чўққи унинг Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғулаштириб, “Мюзик холл” ижодий жамоасини ташкил этганидир.

У кўшиқ ижрочилигидан ташқари жуда чиройли тасвирий санъат намуналарини чизган. Яқинларининг айтишича, ҳатто ўзи ҳам умрининг охиригача яхши расомнамми ёки хонанда, дея аниқ бир хулосага кела олмаган. Чунки иккала йўналишда ҳам бирдек истеъдодли бўлган. Шубҳа йўқки, агар Ботир Зокиров расомликни танлаб, фақат шу йўналишда ижод қилганда ҳам бетакор санъат асарлари билан катта шухрат қозонган бўларди.

Ботир Зокиров узоқ йиллар оғир касаллик билан курашишига тўғри келган. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошдан кечирган. Шифокорлар унга қўшиқ айтишни таққиллаб қўяди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан тўхтамади. “Куйламок — яшамок демакдир”, дея яшади, қалбдан куйлаб, миллионлаб қалбларни забт этди.

Қолаверса, буюк санъаткор ҳикоялар ёзиб, жаҳон адабиётининг машҳур асарларини ўзбек тилига ўйрди, ўзининг бошқа қиррасини ҳам намоеъ қилди.

Ўқорида айтиб ўтганимиздек, Ботир Зокиров хотирасини эъзозлаш, бой меросини кенг тарғиб қилиш борасида улкан ишлар олиқшига, юксак баҳосига сазовор бўлган. Ўшбу кўшиқ айнан Ботир Зокиров ижроси туфайли ҳақиқий машҳурликка эришган, десак муболага бўлмайдир.

Хонанда Франциядаги гастролларда нозиктаб французларни ўзбек, француз, араб ва рус тилларидаги гўзал ижролари орқали мафтун этганини санъат аҳли жуда яхши билади. Францияликлар ўш вақтида уни “Ўзбек шансоньеси”, “Ўзбек Шарль Азнавур” деб атагани ҳам бежиз эмас. Унинг айнан Парижда қилган ижодий сафари оламшумул шухрат келтирган. Бунинг Президентимиз ўз нутқида алоҳида эътибор билан “Ўшбу шаҳардаги машҳур Олимпия театри сахнасига кўтарилиб, икки марта куйлаш — эътибор беринг, икки марта куйлаш дунёда камдан-кам ижрочига насиб этган. Ноёб истеъдоди билан жаҳонни забт этган бундай афсонавий санъаткоримиз билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди”, дея таъкидлади.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага унинг табаррук номи берилди. Улуг санъаткор

номидаги миллий мукофот таъсис этилди. Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари, мактаб-интернатлар, маданият ва санъат йўналишидаги академик лицейлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари, бадий ҳама ижодий жамоалар ёшлари ўртасида Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада кўшиқчилари республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Ҳайкал очилиши муносабати билан бўлиб ўтган маросимда Ботир Зокиров ижодий феномени миллий санъатимиз тарихида бутун бир даврни ташкил этиши таъкидланди. Унинг бой меросини чуқур ўрганиш ва халққа етказиш ишларини давом эттириш мақсадида Давлат раҳбари Маҳкамасида алоҳида қарор тайёрлаш топширилди. Унда Тошкент шаҳрида санъаткорнинг мемориал музейини барпо этиш, эстрада санъати бўйича Ботир Зокиров номидаги халқаро кўрик-танлов ва талабалар учун давлат стипендияси жорий этиш, бадий фильм яратиш, Миллий эстрада симфоник оркестри фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби вазифалар кўзда тутилди.

Бу ташаббуслар кенг жамоатчилик, маданият ва санъат вакиллари, ёшлар томонидан катта хурсандлик билан кутиб олинди.

Ҳайкалга диққат билан разм солсангиз, Ботир Зокиров нигоҳларини узоқ келажакка қаратиб, бир қадам ташлаган ҳолда тасвирланган. Эгнига кийган костюми гўёки шамол эгандини ҳилпирлатмоқда, бу эса ҳайкални жонлантирган. Ботир Зокиров ҳайкали нафақат физиологик ўхшашлиги, балки бадий образи билан ҳам ажралиб туради.

Ҳайкал ёнига яқинлашганингиз сари кўнглингизни кўзингиз тушади, гўё куйлаган кўшиқларини ҳис қила болайсиз. Баҳор кайфияти, илдиқли тасаввурни қўраша олади. Кўз ўнгимизда ҳақиқий ўзбек эътибори вакили, нозик диққат қўйиб гавдаланади.

“...Ўшбу муҳташам ҳайкал Ботир Зокиров хотирасига ўрнатилган рамзий бир тисмондир. Айни пайтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъатини раванга топтириш йўлида олиб бораётган барча ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижалари бу улуг ижодкорга энг муносиб ёдгорлик бўлади”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, мазкур ҳайкал халқимизнинг буюк фарзандига нафақат хурмат ва эътироми ифодаси, балки ёшларни янги марралар сари илҳомлантириш туруви ноёб обида бўлиб қолмади қилади. Ишончимиз комилки, маданият ва санъат ривожига қаратилган юксак эътибор натижасида халқимиз орасида Ботир Зокиров каби яна кўплаб улуг санъаткорлар етишиб чиқади...

Тошкент шаҳрининг қоқ марказида, сўлим хиёбонда миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировга ҳайкал ўрнатилиб, унинг тантанали очилишида Президентимиз иштирок этгани ва нутқ сўзлагани маданият ҳамда санъатга юксак эътиборнинг яна бир далили бўлди.



Шавкат ОРТИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири маслаҳатчиси

Маросим бошланганидан аввал маданиятнинг кўзга кўринган намоёндалари, шоир ва адилларимиз, театр, кино, мусиқа санъати соҳасининг таниқли вакиллари, санъатшунос олимлар билан суҳбатлашни фурсати бўлди. Мулоқотларда улар яқдил бир фикрни айтиди — Президентимиз давлат раҳбари сифатида фаолиятини бошлаган дастлабки йиллардаюқ миллий

маданиятимизни, маънавиятимизни юксалтириш йўлида қандай ташаббусларни илгари суриб келётган бўлса, охириги етти йил ичинда ана шу ташаббусларнинг амалий рўёбинини кўряпмиз.

Дарҳақиқат, юрт раҳбарининг ижодкор зиёлиларга меҳрини соҳа вакиллари ўз фаолиятида яққол ҳис этмоқда. Айниқса, 2017 йил 3 августдаги тарихий учрашув ҳали-ҳақон ҳаяжон ила эсга олинади. Таъбир жоиз бўлса, мазкур учрашув адабиёт, маданият ва санъат соҳаси ривожига мутлақо янги даврни бошлаб берди. Ўшанда Президентимизнинг “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган

Дилдаги гаплар



Ашурали ЖўРАЕВ, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада мукофоти совриндори

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини эстрада санъати мухлислари, улуг санъаткор Ботир Зокиров ижоди шинавандалари қалбда чексиз кувонч, кўзда севиноч ёши билан кутиб олгани ёдимизда. Ўшбу ҳуқуқий-меъриий ҳужжат санъатимиз ва маданиятимизда улкан ҳодиса бўлди.

Биз — улуг санъаткор мухлислари бу қарорни ўттиз беш йил кутган эдик. Ҳамон эсимда: Ботир Зокиров ҳаётлигида 50 йиллик юбилейини ўтказиш арафасида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига мақола тайёрлаш учун санъаткор билан суҳбатлашдим. У билан ҳар галги учрашув мен учун бетакор байрам эди.

— Худо хоҳласа, юбилейни “Киночилар уйи”да ўтказмоқчиман. Унинг фойсесида картиналарим кўргазмаси бўлади. Кўшиқлар катта залда ижро этилади. Илоҳи борича мақтов сўзлар бўлмайди. Одамлар гапдан безор бўлган. Мақтовдан нари юрган яхши.

“КУЙЛАМОК — ЯШАМОК ДЕМАКДИР” БУЮК САНЪАТКОР БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

Президентимиз ғояси ва лойиҳаси асосида қад ростлаган Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг маҳобатли ҳайкали миллий эстрада санъатининг юксак эътирофи ва санъатсевар халқимиз узоқ йиллар оризқиб кутган меҳр-муҳаббат ифодасидир.

Бу муҳлиларим олдида ўзига хос ижодий сарҳисоб бўлади. Ҳаммаси эркин ўтказилади, — деб ният қилган эди раҳматли Ботир Зокиров.

Афсус-надоматлар бўлсинки, унинг бу ёрғун нияти, ажойиб орзулари амалга ошмади. Буюк санъаткор оғир касаллик туфайли 49 ёшида — 1985 йил 23 январда вафот этди. Юбилей ўтказилмай, армон бўлиб қолиб кетди. Сўнг номаълум сабабларга кўра, турли баҳоналар, майда гап-сўзлар туфайли санъаткорнинг 60, 70 ва 80 йиллик таваллуд кунлари ҳам нишонланмади.

Халқимизда “Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди”, деган ўлмас ҳикमत бор. Президентимиз қарори эълон қилинган кунни Ботир Зокировнинг укаси, таниқли санъаткор, халқ артисти Фаррух Зокиров билан Ўзбекистон давлат консерваториясида учрашиб қолдик. Юракларимизга байрам олиб кирган бу хушхабарни эшитиб, бир-биримизни кучоқлаб, йиғлаб юбордик. Бу ҳақиқат жамолини кўрсатган лаҳзаларда пайдо бўлган кувонч ёшлари эди.

— Оллоҳга шукр, ҳақиқат бор экан, охири у тантана қилди, Зокировлар сулоласининг кўп йиллик орзуси ушалди, — деди Фаррух ака ҳаяжон билан кўз ёшини артар экан...

Бу қарорнинг завқу шавқидан ўзимизга келмай туриб, Президентимизнинг 2021 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институтини

ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

Биздан анча узоқлашган Ботир Зокиров номи ва бетакор ижод мактаби мазкур қарор туфайли тўла-тўқис халқимизга қайтди. Санъаткор қайтадан дунёга келди, қайтадан туғилди.

Бу Ботир Зокиров ҳақиқати эди. Чунки бу ҳақиқатнинг юз кўрсатиши учун 35 йил ва уни рўёбга чиқариш учун мард, жасоратли ва доно инсон керак бўлди.

\*\*\*

Ботир Зокиров кундалигининг илк саҳифасини бундай сўзлар билан бошлайди: “Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзуларини рўёбга чиққан кундан бошлашга келади...”

Уша кун мен Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Уша дақиқаларда мен саҳнада туриб хассос ва талабчан тингловчилар қаршида кечирган чексиз ҳаяжонларим, изтиробларим куйлашим биланок тумандай тарқаб кетди.

Имтиҳонлардан сўнг ўқишга қабул қилинган “аълочи”лар қаторида менинг ҳам фамилиямни айтишиганида дастлабки ҳаяжонларим бамисли кувончга айланди. Уша кундан бошлаб мен мусиқа эҳроми — консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севили машғулотиимнинг сарҳадсиз уммоница шўнғидим... 1952 йил 20 август”.



— Ботир доимо ишлашни, тинимсиз ижод қилишни яхши кўрарди, — деб хотирлайди таниқли композитор Энвар Солиқов. — У меҳнат қилган сари роҳатланар, илҳомланарди. Бошлаган бирор ишини поёнига етказмагунча тинмасди. У қисқа вақтда оркестр шухратини собик иттифоққа олиб чиқди. Москва, Санкт-Петербургда шаҳарларига кетма-кет гастролларга борди. Нур бор жойда соя бўлганидек, ўзимизда оркестр душманлари пайдо бўлди. Улар турли баҳоналар билан оркестр фаолиятини ерга уришга кўп бор уринди. Маданият вазирлигининг ўша пайтдаги раҳбарлари репертуарни тасдиқламай, уни кўп қийнади. Турли ташкилотларга югуртиравериб, овера қилди. Чунки Ботир санъатни тушунмайдиган “раҳбарлар”га

бўйин эгишни ёмон кўрарди. Ундайларни “санъат чиновниги”, деб атарди. Ҳеч қачон уларга ялмасди. Буларнинг ҳаммаси унинг соғлигига ёмон таъсир қилди. Оқибатда касаллик уни жарроҳлик столига ётқизди...

\*\*\*

Унинг репертуари гўзал ва бетакор кўшиқлар билан бойиб борди. Мухлислари қўпайгандан қўпайди. Энди уни шон-шухрат чулғай бошлади. Лекин Ботир Зокиров машҳурликка, номдорликка ружу қўймади. Кўшиқдан кўшиққа юксалиб бораверди. Уни машҳур қилган кўшиқлардан бири “Араб тангоси” эди.

1958 йил Москвада ўтказилган “Ўзбек санъати ва адабиёти” декадасида машҳур

араб бастакори Фарид ал-Атрошнинг (Ян Френкель қайта ишлаган) “Араб тангоси” кўшиғи биринчи марта ангради. Янград-но, чақмоқ янглиғ Ботир Зокиров номи кўшиқсеварлар қалбига муҳрали. Бу кутилмаган катта омад, шухрат ва келажакка ишонч эди. Кейинчалик бу кўшиқ хонанда репертуарининг муқаддимаси бўлиб қолди. Концертларда, гастролларда шу кўшиқ янграмаса, томошбинлар жўровоз бўлиб: “Араб тангоси! Араб тангоси!” деб қатъий талаб қиларди. Мазкур кўшиқ номи билан санъаткорнинг минглаб нусхаларда пластинкаси тарқалди. Кўшиқ унга оламшумул шухрат келтирди...

Унинг ҳар бир машҳур кўшиғи ана шундай бебаҳо тарихга эга...

\*\*\*

Ботир Зокиров санъатининг бетакор сир-синуоти, юракларни забт этиб келаётган жозибаси, умрбоқийлиги, бебаҳо сеҳри ва қудрати миллий нолалар билан йўғрилган дардли ва ширадор овозида.

Бу тенгсиз овозда — унинг буюк истеъдоди муассам.

Бу қудратли овозда — шиддат билан ёнган юракнинг нидолари бор.

Бу чақмоқдай овозда — жасорат, мардлик ва миллат гурури бор.

Бу дарёдай тошқин овозда қалбларни куй-қўшиқ уммони сари оқизиб кетадиган сеҳр бор.

У жаҳон сахналарини мардона ва ўқтам ўзбек овози билан забт этди.

У санъатсевар парижликларни француз тилида куйлаб, батамом ҳайратга солди. У жаҳон эстрада санъатининг муқаддас обидаси ҳисобланган “Олимпия” эстрада театри сахнасини икки марта ишғол қилган дунёдаги ягона санъаткор.

У дилбар ва бетакор кўшиқлари билан россияликларни ҳаммиша ҳаяжонга кўмарди. Руслар уни ўз санъаткоридай юқори даражада эътироф этиб, “Бизнинг Ботир Зокиров”, деб фахрланарди. Москва ва Санкт-Петербургдаги ҳамамажли концерт залларида ойлаб берилган концертларига мухлислари тўймади.

Ботир Зокировнинг овози қуйма олтин ёмбисидай асил эди, тоза эди, бегубор ва бетакор эди.



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ЮҚОРИ ИЖРО ИНТИЗОМИ — АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ УСТУВОР ОМИЛ

Абдулла Қўлдошев, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор

Бошланиши 1-бетда

Рақамлаштириш — жадаллаштириш омили

Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор Фавқулодда вазиятлар вазири рақамлаштирилмоқда. Хусусан, “Кичик ҳажмли сув кемаларини рўйхатга олиш” ахборот тизими ишга туширилиб, унга кичик ҳажмли 7 мингдан ортиқ кеманинг тури, тизимдан фойдаланувчи ҳудудий инспекторлар ҳамда давлат тизимининг бошқармаларининг юридик манзили, электрон почтаси ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилиб, фаолият рақамлаштирилмоқда. Хусусан, “Кичик ҳажмли сув кемаларини рўйхатга олиш” ахборот тизими ишга туширилиб, унга кичик ҳажмли 7 мингдан ортиқ кеманинг тури, тизимдан фойдаланувчи ҳудудий инспекторлар ҳамда давлат тизимининг бошқармаларининг юридик манзили, электрон почтаси ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

“Бино (иншоот) ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса бериш” ва “Содир бўлган ёнғин тўғрисида маълумотнома бериш” давлат хизматлари жорий этилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ишга туширилди.

“Фавқулодда вазиятлар вазириликнинг кўтарувчиси” мобил иловаси ишлаб чиқилди ва электрон иловалар дўконидан ҳаволани юклаб олиш учун имконият яратилди.

“Ёнғин хавфсизлиги аълочили” танловини ўтказиш жараёнини рақамлаштириш имкониятига эга ахборот тизими ишга туширилиши натижасида эса тадбиркорлар фаолиятига арашлуви камайтириш орқали ёнғин профилактикаси самарадорлиги оширилди.

Фавқулодда вазиятлардан ўз вақтида огоҳлантириш — ҳаёт-мамонт масаласи

Аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан барвақт огоҳлантириш ва бу ҳақда тезкор хабар бериш — ҳаёт-мамонт масаласи, десак, хато қилмаган бўлариз. Чунки офат илк лаҳзалардаёқ инсон ҳаётини ё у тарафга, ё бу тарафга буриб юборишини тарих синовлари бир неча марта исботлаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, вазирилик томонидан мамлакат миқёсида Ўзбекистон Республикаси аҳолисига хабар бериш ва маълумот етказишнинг автоматлаштирилган



15 тўптам тизими ҳудудий бошқармаларнинг тезкор бошқарув марказларига ўрнатилди.

Маъжур тизим орқали фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда давлат тизими бошқарув органларига хабар бериш ҳамда маълумот етказишнинг кундалик текшируви, шунингдек, вазирилик шахсий таркибига тезкор маълумотларнинг етказишда SMS ҳамда овозли хабарлардан фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳонда содир бўлаётган зилзилалар ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди. Хорижий мамлакатларда содир бўлган талафотли зилзилалар бунга аққол мисол. Дунё ҳамжамияти 2023 йил февралда Туркияда содир бўлган зилзилани ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Президентимиз топириги асосида вазириликнинг 100 нафар кўтарувчиси қардош мамлакатдаги талафотли зилзила оқибатларини тугатишга жалб этилиб, белгиланган вазифалар сидқидилдан адо этилди.

Мамлакатимизда юз бериши мумкин бўлган зилзилаларни мониторинг ва прогноз қилиш йўналишида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

2023 йилнинг ўтган даврида Ер шарида магнитудаси 5,5 ва ундан юқори (M≥5,5) 494 та, Марказий Осиёда магнитудаси 4 ва ундан юқори 599 та ҳамда Ўзбекистон ва чегарадош ҳудудларда 3 минг 24 та зилзила қайд этилди.

академиясига тақдим этилиб, идоралараро эксперт комиссиясининг йиғилишида 52 мартаба кўриб чиқилди.

Фанлар академияси бошчилигида вазирилик Сейсмопротгностик мониторинг республика маркази ҳамда Қирғизистоннинг 8 та, Тожикистон ва Афғонистоннинг 1 тадан сейсмик станцияси сейсмология бўйича илмий-тадқиқот муассасалари глобал тармоғи орқали СейсКомпЗ дастурига интеграция қилинди.

Шунингдек, халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига уланган қўшни давлатларнинг 10 та сейсмик станцияси миллий сейсмик кузатувлар тармоғига интеграция қилинди. “Жумабозор” комплекс-протгностик станцияси ҳудудидаги 1 та қудуқда тозалаш ишлари бажарилди. Кенг полосоли сейсмометрлар тармоғини кенгайтириш мақсадида 6 та сейсмик станция тармоғи оптималлаштирилди, 2 та магнитометр ўрнатилди.

Республиканинг ғарбий ҳудудида қўшмача анги 3 та (Бухоро вилоятида “Дентгизқўл”, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида “Султонувайс” ва “Мангит”) сейсмик станция очилиб, Идоралараро илмий-техник кенгаши қарорига асосан тақдиди. Аҳолини зилзиладан огоҳлантириш ишларини таъминлаш мақсадида “Кучли зилзиладан огоҳлантириш” мобил иловаси ишлаб чиқилиб, электрон иловалар дўконидан юклаб олиш имконияти яратилди.

Қисқа муддатда 1 та қонун, 1 та фармон ва 2 та қарор қабул қилинган масаланинг ўта долзарблиги ҳамда муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 17 апрелдаги “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардорлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфини мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ижросини самарали ташкил этишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Сув тошқини: аччиқ сабоқ ва оқилона ҳулоса

Сел ва сув тошқини билан боғлиқ табиий офатлар нафақат одамлар, балки катта-катта ҳудудларни хавф остида қолдириб, жамият ҳаёти ҳамда давлат иқтисодиётига улкан талафот етказиши мумкин. Бунга Сардоба сув омбори воқеалари яққол гувоҳлик беради.



230 та махсус-тактик ўқув машқи давомида 70 минг 800 метр куб тупроқ, 139 минг метр куб тош-шағал, 22 минг метр куб тош ишлари қилинди, 108 километрдан ортиқ ички ариқ ва магистрал каналлар тозаланди.

Республика ҳудудидаги доволар (Қамчиқ, Тахтақорача, Оқработ, Лангар, Чакчак), Жиззах вилояти ҳудудидаги М-39 “Тошкент — Термиз” автомагистрала, 4Р “Жиззах — Ғаллаорол — Кўйтош — Қорабдол —

Ушбу клублар ўртасида ўтказилган “Ёш кўтарувчилар” мусобақалари эса ҳозир тобора аънавий тус олиб, кўтарувчиллик касбига мис, иштиёқи баланд, чиниққан ёшларни танлаб олишда асосий омил бўлмоқда.

Хусусан, “Ёш кўтарувчи” кўнгилчилар клублари фаолиятини такомиллаштириш ва клуб аъзоларининг фуқаро муҳофазасига оид билим, кўникма ва малакасини шакллантириш, клублар ўртасида ўзаро тажриба алмашувни йўлга қўйиш учун мактаблар ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ёш кўтарувчи” мусобақаларининг туман (шаҳар) ва республика босқичлари ўтказилди. Уларда 7131 та жамоада 60 минг 357 ўқувчилар қатнашган бўлса, касб-хунар таълим муассасаларида жами 372 та жамоада 5382 ўқувчининг иштироки таъминланди.

Ёнғин назорати: хушёрлик — ширимиз бўлсин!

Ёнғин назорати масаласи огоҳлик ва хушёрликни талаб этади. Керак бўлса, бу борадаги хушёрлик бош ширимиз бўлмоғи лозим. Хато қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Чунки кичик бир сабаб орқали вужудга келган шиддатли ёнғин ҳеч кимга шафқат қилмайди.

Шунингдек, “Yerelektron” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали 28 минг 537 та ер участкаси ўрганилиб, 27 минг 926 та мурожаат (97,8 фоиз) бўйича ижобий, ер ажратилиши ҳолати бўйича 611 та салбий ҳулоса берилган.

Ёнғин-техник экспертиза марказида 86 тадқиқот, 1156 та снов ўтказилиб, ихтиро учун 4 та талабнома расмийлаштириш, соҳага оид 11 та услубий қўлланма ишлаб чиқиш чораси кўрилди.

Статистик рақамларга мурожаат қилсак, давлат ёнғин назорати органлари томонидан 2023 йилда 55 минг 15 та текшириш, 13 минг 35 та тадбиркорлик объектида профилактик кўриб ўтказилиб, 4 миллион 130 мингта яқка тартибдаги ва кўп қаватли уйдagi 1 миллион 233 минг 593 та хонадонда ўрганиш олиб борилган.

Тадбирларда 11 миллион 27 минг 478 фуқаро билан тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, қондабузарликка йўл қўйган 46 минг 986 жавобгар шахсга нисбатан 9 миллиард 301 миллион сўмлик жарима қўлланган.

Ёнғин-техник экспертиза марказида 86 тадқиқот, 1156 та снов ўтказилиб, ихтиро учун 4 та талабнома расмийлаштириш, соҳага оид 11 та услубий қўлланма ишлаб чиқиш чораси кўрилди.

Обод манзиллардан обод кўнгиллар сари

Юксак инсонийлик тамойилига мувофиқ, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирларида Фавқулодда вазиятлар вазирилик тизими ходимлари ҳам сидқидилдан иштирок этмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида иқтисодиёт

тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларининг барқарор фаолиятини таъминлаш, аҳолини қийнаб келаётган масалаларни ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш ишларини бунга мисол қилишимиз мумкин.

Орол денгизи қуриган тубида, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг денгизга яқин жами 300 минг гектар чўл ҳудудида ўрмон барпо этиш режалаштирилган эди. Лекин амалда 321 минг 853 гектарга ниҳол қадалди. Бир сўз билан айтганда, режа 107 фоиз бажарилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барча ҳудудда 582 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчати экилди. Ҳозир ушбу эзу амалий саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Машқ маҳоратни тоблайди

Фавқулодда вазиятлар чоғида ҳаракатланар экан, кўтарувчида юқори жанговар шайлик, пухта билим, малака, касбий маҳорат шаклланган бўлиши лозим. Нафақат



соҳа мутахассислари, балки ҳар бир фуқаро касби, вазифасидан қатъи назар, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш бўйича муайян билим ва малакага эга бўлиши талаб этилади.

Хусусан, 2023 йилда шахсий таркибининг жанговар шайлигини таъминлаш мақсадида жами 1616 мартаба ёнғин ўчириш тактик машқи ва 7222 мартаба тунги, 12 минг 334 мартаба кундузги ёнғин ўчириш амалий тактик машғулоти ўтказилди.

Газ ва тутундан ҳимоя хизматлари билан тутунхоналарда 2537 мартаба, очиқ ҳавода 16 минг 306 мартаба, руҳий тайёргарлик йўлақларида олов таъсирида 3185 мартаба, олов таъсиридан 3 минг 31 мартаба машғулот ўтказилди.

Вазирлик академиясида жами 561 офицер қайта тайёргарликдан ўтказилди ва малакаси оширилди. Академия ҳузуридаги бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида 1107 кўтарувчи билан бошланғич тайёргарлик, 630 кўтарувчи билан малака ошириш ўқув йиғини ташкил этилди.

Ёнғин-кўтарувчи бўлимлари қақирув асосида 195 минг 899 минг мартаба ҳодиса юз берган жойга чиқди.

Эшитиш ва нуқтида муаммоси бўлган фуқаролардан келиб тушган 3554 та мурожаат амалда ўз ечимини топди.

Қулай шароит — самарали хизмат демак

Кўтарувчи қачон самарали ва сифатли фаолият олиб боради? Зарур шарт-шароитга эга бўлса, замонавий асбоб-анжом ва техникалар билан таъминлансагина фавқулодда вазиятларни ўз вақтида, юқори талаб даражасида бартараф эта олади.

Айни заруратни инобатга олган ҳолда ҳукумат қарорлари асосида қабул қилинган дастурлар доирасида жами ёнғин-кўтарув отрядининг 12 та янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди ва соҳа ходимларининг хизмат шароити яхшиланди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрининг Олмасор туманида вазирилик шахсий таркиби учун хизмат турар жой биноси қурилиши давом эттирилмоқда.

Кўтарувчи тузилмаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, тизим учун зарур махсус техника ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, жами 47 та ёнғин-кўтарувчи техникаси ва 28 мингдан ортиқ ёнғин ўчириш техник воситаси харид қилиниб, фойдаланиш учун бўлимларга тақдим этилди.

Фавқулодда вазиятлар вазириликнинг профилактик, ташкилий-амалий тадбирлари натижасида фавқулодда вазиятларнинг 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 34 фоиз, вафот этганларнинг 30 фоиз ва жабрланганларнинг 22 фоиз камайишига эришилди.

Халқаро тажриба соҳа ривожига хизмат қилади

Вазирлик фаолиятида ривожланган мамлакатларнинг соҳага оид илгор тажрибасини ўрганиш ва тизим фаолиятига татбиқ қилишга асосий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган даврда 148 та халқаро ҳамкорлик тадбирлари вазириликнинг 598 нафар вакили иштироки таъминланди.

Жумладан, фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш бўйича мамлакатимизда ўтказилган 108 та, АҚШ, Хитой, Россия, Озарбайжон, Жанубий Корея, Туркия, Исроил, Франция, Польша, Япония, Буюк Британия, Беларусь, Ҳиндистон, Словакия, Грузия, Албания, Туркменистон, Таиланд, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби хорижий давлатлар иштирокидаги 54 та ҳамда ШХТ, Жаҳон банки, БМТ, ЕИ, МАГАТЭ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТТД, НАТО каби халқаро



ташқилотлар ҳамкорлигидаги 50 та халқаро тадбирларда иштирок этилди.

Шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташқилотлар билан келишувлар ҳамда “йўл харита”ларида белгиланган 115 та тадбирнинг самарали ижроси таъминланди.

Бунинг ҳам, ўз навбатида, соҳа бўйича изчил ишловларнинг тизимга татбиқ этилаётгани ва ўзига хос самараларидан бири, дейиш мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирилик ўтган даврда мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудини ёнғин ҳамда бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қодир бўлган мобил ва профессионал хизматга айланди.

Бугун вазирилик тизимидagi ҳар бир офицер, сержант ва хизматчи ходим зиммасидаги масъулиятли вазифанинг нечоғлиқ салмоқли эканини юракдан англаб, инсон қадрини умулганган, халқни рози қилиш, қудратли мамлакат барпо этиш йўлидан бораётган янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида дадил оидилмамоқда.

Зиммамизга юклатилган шарафли вазифаларни адо этар эканмиз, қатъий, юқори талаб даражасидаги ижро интизоми — аҳоли ва ҳудудларни ёнғин ҳамда бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бу борада юқори самарадорликка эришишнинг бош омили эканини асло унутмаслигимиз лозим.



Пиллачилик

МАНФААТ БОР ЖОЙДА...



Шераф ҚОРАБОВЕВ олган суратлар.

Ипак курти мўъжизага қиёсланади. Зарра тухумдан пайдо бўлган уруғ жонлибди, ипак ўрашино ундан тайёрланаётган ажиб матоларнинг ўзи асли ҳайратланарли. Бир қараганда оддий ипакдан тайёрланган бекасам, адрас, банорас, шойи ва атласлар беназир, ҳарирлиги билан эътиборни тортади. Хонатлас ва адраснинг ўзига хос хусусияти гулнинг матога эмас, ипга туширилганида. “Абр” усулида ранг бериш — гул солишининг фарғонача андасаси асрлар давомида ўз хусусиятини йўқотгани йўқ.

қўйдик. Ҳозир вилоятдаги 464 та инкубаторияда биринчи мавсумда жонланган ипак курти уруғи боқилди. Соҳа ривожига кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга боғлиқ. Бу йўналишда ўрта бўғин ходимларини тайёрлаш борасидаги кўрсатмалар илғор иш тажрибасини оммалаштириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имкониятини беради. Шу мақсадда худудлар бўйича 30 дан ортиқ малакали мутахассис тайёрлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

тажрибаси мактабини яратиш борасида салмоқли ишлар қилиняпти. Шу кунга қадар нафақат вилоят, балки мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўладиган йиллик ипак курти уруғининг асосий қисмини етказиб бериш имкони мавжуд. Ипак курти уруғчилигида илм-фан ютуқлари ва инновация ғоялари кенг татбиқ этилиши орқали уни тўлиқ маҳаллийлаштириш ҳисобига катта миқдорда валюта тежалди ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилади.

Ўзбекистон ипак етиштириш бўйича Хитой ва Ҳиндистондан кейинги ўринда туради. Бундан юз йиллар аввал ҳам ипакдан шундай асил маҳсулотлар тайёрлангани учун Хитойдан Европага олиб борган карвон йўли “Буёқ ипак йўли” сифатида дунё эътиборига тушган.

Ўтган мавсумнинг ўзида ташқи бозорга умумий қиймати 10 миллион доллардан зиёд тайёр ва ярим тайёр ипак маҳсулотлари экспорт қилинди. Бу аввалги йилларга қиёсланганда беш ҳисса кўп. Пиллани чуқур қайта ишлаш лойиҳалари ва модернизация тадбирларини ўтказишга 3 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритилди. Натияжада ҳам ипак, ипак момиги, ипак мато ишлаб чиқариш ҳажми уч қарра ошди.

Фарғона туманида мамлакатимизда илк бор наслчилик станцияси ташкил этилди. Бу ерда 80 дан ортиқ ипак курти зоти бўйича ўрганиш олиб бориляпти. Шу ернинг ўзида бир мавсумда 100 қути ипак курти боқишга мўлжалланган пиллачилик мажмуаси қуриб битказилди. Аини қунда маҳаллий 3 турли ипак курти уруғи парваришланяпти.

— “Иқбол-1”, “Иқбол-2” янги ипак курти навларини маҳаллийлаштириш бўйича ишлаяптимиз, — дейди “Фарғона пилла наслчилик” МЧЖ селекционери Камолитдин Соипов. — Бу навлар “Давлат нав синаш маркази” тавсияси билан Андижон, Навоий, Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон худудига парваришланиб, сивондан ўтказилмоқда. Дастлабки ҳулосалар қониқарли. Янги ипак курти уруғи бошқа навларга нисбатан 10-15 кун эрта ип ўрайди, маҳсулдорлиги юқори бўлиб, биринчи узиллиш нормаси 800-1000 метрдан ортиқ. Толаси мустаҳкам, ингичка ва силлиқ. Жорий йилда 3 минг қути элита, 200 қути супер элита уруғи етиштирилди.

Илгари иқтисодийнинг муҳим бўғини бўлган ипакчиликка эътибор сус эди. Серҳосил ипак курти, озуқа базаси бўлган тут кўчатлари етиштиришга эътиборсизлик ва назоратсизлик туфайли пиллачилик аграр соҳанинг қолоқ бўлинига айланганди. Бугунга келиб, бу борадаги иш тизими, талаб ва таклиф ўзгарди, пиллакорлар манфаатдорлиги босқичма-босқич ошиб бормоқда.

Жорий йил мазкур тармоқда 160 мингдан ортиқ мавсумий ва доимий иш ўрни очилди. Кўзда тутилган бўлиб, 17 та шаҳар ва тумандаги ипак курти боқувчилар 6 та пиллачилик кластерига бириктирилди. Бу йил вилоятда 46 минг 436 қути ипак курти парваришланиши орқали 2786 тонна тирик пилла етиштириш режалаштирилган. Шу мақсадда 4592 та фермер хўжалиги, 33,4 минг ипак курти боқувчи ҳамда 6 та пиллачилик кластери ўзаро шартнома тузган ҳолда биринчи мавсум юмушларини уюшқоқлик билан бажармоқда.

— Мажмуада ипак куртининг сифатли парваришлари, озиклантириш, ҳосил териш учун барча шароит яратилган, — дейди Фарғона тумани “Ейлима” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Эъзозахон Салоҳиддинова. — Ишсизлигини учун “Аёллар дафтари”да тураман. Уйимиз яқинида қурилган пиллачилик мажмуасига ишлаш учун таклиф қилишди.

Ипак етиштиришга сармоа киритиш борасидаги ишлар натижасида ипак хомашёси етиштириш, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ўсди. Экспорт миқдори кўпайди, географияси кенгайди. Ипак экспорти тушуми кескин ошиб бориши туфайли юзлаб янги иш ўрни очилди.

— Давлатимиз раҳбари раислигида чарм ва ипак саноатида мавжуд имкониятларни ишга солиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида соҳага оид кўп танқидий-таҳлилий фикр ва ташаббуслар илгари сурилди. Булардан тўғри ҳулоса чиқарган ҳолда соҳага инновацияларни татбиқ этиш ва хомашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ бошқаруви раиси Мақсуджон Қосимов. — Шу мақсадда вилоятимиз пиллакорлари бир неча бор Хитой, Вьетнам, Японияда бўлиб, пиллачиликдаги тажрибалар, илмий-амалий, инновацион ютуқларни ўрганиб, тажриба ошириб келди. Бир неча йўналишда ҳамкорликни йўлга



Рози бўлдим. Бу ерда ҳамма шароит яратилган. Ойлик маошларимизни ўз вақтида оляймиз, бепул тушлик бериляпти. Тут барги тайёрлаш, озиклантириш, санитария-гигиена талабларига риоя қилиш билан боғлиқ барча ишлар илғор технологиялар ёрдамида бажарилиши ҳисобига қўл меҳнати кескин камайди.

Пиллачилик ривожига озуқа базаси муҳим аҳамиятга эга. Аини пайтда вилоятда 3700 гектар тут плантацияси бор. Тажриба тариқасида ҳар гектар тут плантациясининг 10 сотихида ўрма тутзор барпо этиляпти. Инновацион усулда ташкил этилган бундай тутзорлардан ил давомида фойдаланиши имконияти бор. Бу йил баҳор мавсумида 1 миллион туздан ортиқ тут кўчати экилди.

Фарғона вилоятда пиллачиликда ўзига хос тажриба оммалашмоқда. Соҳа ривожига йўлидаги эзгу ташаббуслар, илмий-амалий тажрибалар ҳамда истиқболли лойиҳалар ҳаётга кенг татбиқ этилиши ҳисобига тармоқ жаҳон андасалари даражасида ривожланмоқда. Бу борада пиллачилик анъаналари ривожланган Хитой, Вьетнам ва Япония каби давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, насли ипак курти уруғи етиштириш, сифатли озуқа базаси яратиш, бир йилда тўрт марта тагача пилла ҳосили олиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида ўзига хос ютуқлар қўлга киритилди. Кейинги олти йилда тирик пилла етиштириш ҳажми 1400 тоннага ошди.

Замонавий технологияларга асосланган шароитда ипак курти боқишининг афзалликлари кўп. Инновацион усул анъанавийсига нисбатан ўн баробар кўп ҳосил олиш имконини беради. Чунки ипак куртининг 11 қаватли махсус кутиларда парваришланиши йўлга қўйилган. Ипак курти уч уйқугача плёнка остида, тўрт-беш уйқудан кейин очиқ ҳолатда, аввалгидек новда эмас, аксинча барг билан озиклантирилади. Бу самарали усул ипак куртининг озиклантириш жараёнида юзага келган исрофгарчиликларининг олдини олади. Бир ил шароитда ривожланган ипак куртидан олинган ҳосил сифати юқори ва толаси пишқ бўлади. Касалликларнинг олди олинади, сарф-ҳаражат қисқариб, даромад салмоғи юқори бўлади.

— Аини кунда “Жарарик”, “Япон барги”, “Мархамат” каби тут навларини пайванд усулида кўпайтириб, юмшоқ баргли, тўйимли, серҳосил тутзорлар майдони босқичма-босқич кенгайтириляпти, — дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ бош агрономи Фаррух Мамадалиев. — Бундан ташқари, Хитой ва Вьетнамдан тут кўчати уруғи олиб келинди. Маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб, тажриба майдонида эклиб, кўпайтирилмоқда. Пиллакорлар даромад солиғи ва ижтимоий солиқлардан озод қилинган, тутзорлар учун ер солиғининг 10 фоизини тўлаш тартиби жорий қилинган бу борадаги имкониятимизни янада кенгайтиради.

Фарғона туманида “Водил ипак йиғирув” шўъба корхонаси ёрдамчи тутчилик



Агротармоқ

БУ ЙИЛ КЎҚДАЛА ТАРВУЗЛАРИ ЭКСПОРТИ ЎН БАРОБАР ОШИШИ КУТИЛМОҚДА

Аини пайтда Кўқдала туманининг асосий драйверига айланган эртапишар тарвуз аллақачон етилиб, савдо расталаридан жой ола бошлади. Аста-секин йирик савдо мажмуаларида кўриниш берган бу маҳсулотнинг нархи бир оз қимматлиги ҳам бор гап. Аслида, деҳқоннинг қишни совуқ, баҳорини дўл-ёмғирли демасдан, тунни тонгга улаб қилган машаққатли меҳнатида бир кунгина ҳамроҳ бўлган киши шу кунларда эл дастурхонига ширин неъмат тортиқ қилаётган миришкорларга тасанно дейди.

Йўлга чиқиш олдида деҳқонлардан бирига кўнғироқ қилиб, вазиятга оидинлик киритдик. Айтилган манзил томон йўлга чиқдик. Машинада чамаси бир соат йўл юрилгач, аста-секин тарвуз экилган катта майдонлар кўзга ташлана бошлади. Энг асосийси, худудда бирор қарич бўш ер кўрмайсиз. Ҳамма ерда полиз экин экилган. Турнақатор плёнкалар остига томчилагич суғориш учун қувур тортиб чиқилган. Шу боис, бирор жойда беҳуда сув сарфланаётгани кўзингиз тушмайди. Экин майдонида катта-кичик тарвузларни кўриб, кишининг баҳри дили очилади. Ҳамроҳим “Эртапишар тарвуз Кўқдаладаги биттагина маҳаллада етиштирилади, деб биларканмиз. Аслида, бўш ернинг ўзи йўқ-ку”, деди ҳайратини яширолмай. Йўл юриб, туманининг Талоқтепа маҳалласига қарашли Мойлижар қишлоғига кириб бордик. Қишлоқ томон буриларканмиз, кўнғилмизда лой кўчадан юрмишимиз, деган ҳадиқ бор эди. Аксинча, қишлоқ йўли хар қандай шаҳарникидан қолишмасди. Бизни кутиб олган фаоллардан бири ҳам “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси туфайли қишлоқ кўчаси янги асфальтланганини айтиб, мактадди. Равон йўлда бир оз юргач, каттагина далага чиқиб бордик.



тадбиркорлардан бири билан таништираман, деганди. У айтган кишини сўрадик. — Хув тепалиқдан эгат оралаб юрган йигит, — дея ён томонга ишора қилди. Ёмғир севалаб ўтгандан сўнг ҳаво салқинлаган. Булут орасидан кўриниш бераётган кўёш тағти сезилмади. Кетмонинг елкасига қўйганча биз томон яқинлашаётган деҳқон йигитнинг шижоатини англаш қийин эмас. Ҳосилининг чўчи баландлигидан кайфияти ҳам кўтаринки. — Ёшим 24 да. Шу пайтга чет элда ишлардим. Утган беш йилда тўртта давлатга

бориб ишладим. Тўғриси айтсам, топганимда ҳеч баракча бўлмади. Фақат вақт ўтказганим қолди. Аслида, аввалбошда шу иш билан шуғуллансам бўларкан. Кўпчиликнинг гапига қизиқиб, хомхал суриб, чет элга кетганимга ачинаман. Ўзимча бошқа элда пул топиш осон, шунчаки иш билан ҳам кўп пул топаман, дегандим. Кейин билсам, ҳеч қарерда осон келадиган маблағнинг ўзи йўқ экан, — дейди Синдор Тўхтамошов. — Хорижда юрганимда қишлоқдошларим бу ёққа қайтиб, деҳқончилик билан шуғулланганимни маслаҳат берди. Имкониятлар борлигини,

банқдан имтиёзли кредитлар ажратилаётганини айтишган бўлсам эътибор қилмагандим. Лекин ҳарқат қилиб, астойдил ишласа, ҳаммасини удаллаш мумкин экан. Бу йил 2 гектарга эртапишар тарвуз экилдик. Мана, ҳосил ёмон эмас. Эрта-индин бозорга чиқаришга тайёргарлик кўряпмиз. Харидорлар ҳозирданки излаб кела бошлади. Мавсумда юз миллион сўмдан ортиқ соф даромад кўришни мақсад қиляпман. Тажрибамни ошириб, деҳқончилик сирларини мукаммал эгаллаган, келгуси йилдан янада кўп жойга экман. Энди сарсон бўлиб, турли бегона юртларда юрмайман. Мухими, шу ерда туриб ҳам яхши яшаш мумкинлигини тушуниб етдим.

мушкул эди. Ерга нимадир экиб, даромад олмақчи бўлган кишининг, аввало, етарли маблағи бўлмаган. Бунинг учун банкка мурожаат қилса-да, барибир фойдасиз қолган. Бугун эса банкдан кредит олиш муаммо эмас.

Худуддаги кекса деҳқонларнинг таъкидлашича, кейинги пайтда ишлаш учун бошқа юртларга кетган йигитлар ёшларга берилаётган кенг имкониятдан унумли фойдаланиш учун қишлоғига қайтиб, айнан деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган. Туманда нафақат тарвуз, балки эртапишар қовун ҳамда бодринг етиштириш ҳам йўлга қўйилганга анча бўлибди. Аини пайтда вилоят бозорларида Кўқдала бодрингини сотиб олиш мумкин. Эртапишар тарвуздан сўнг қовун ҳам бозорга чиқарилади. Бу йил тумандаги деҳқонлар айнан эртаки тарвуз экспорти ҳажмининг ўн баробар оширишини режалаштирмоқда.

— Ўтган йили 20 минг гектарда тарвуз етиштирилиб, мавсум давомида бир миллион долларликдан ортиқ тарвуз экспорт қилинганди, — дейди Кўқдала тумани ҳокими ўринбосари Саидаббос Икромов. — Ҳозир деҳқонларимизнинг шижоати ўзгача. Бу йил ҳам 20 минг гектарга тарвуз экилган, лекин ўн миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мақсад қилинган. Асосан, хорижлик ишбилармонлар билан шартнома тузиб, режадаги ҳосилни етказиб бериш учун келишувга эришилмоқда.

Талоқтепалик миришкорлар билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг баъзи фикрлари диққатимизни тортиди. Айтишларича, бундан беш-олти йил аввал худудда ишлаш анча

Далада жавлон уриб меҳнат қилаётганлар билан қанча суҳбат қилмайлик, уларнинг ҳаётдан розилиги, ислохотлар самарасидан шукронаси ақнига етмайди. Биз ҳам уларга омад тилаб, ишдан қолдирмаслик ҳаракатида ортага қайтиб, Ҳадемай бу ерда ҳосил йиғиштириш авж паллага кўтарилади. Тарвуз ортлган турнақатор юк машиналари турли манзиллар томон йўлга чиқди. Шунда олис Талоқтепа далаларида етилган тарвузлар нафақат сизни, балки хорижликларни ҳам мазали таъми билан хушнуд этиши аниқ.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Албатта, деҳқон бой бўлса, халқ бой бўлади, деб бежиз айтилмаган. Бугун Кўқдалада меҳнат қилаётган ҳаммамнинг турмуши яхшиланиб, туман фаровон манзилга айланмоқда. Бир пайтлар бекорчилик туфайли хорижга иш излаб кетган кўқдалалик ёшларнинг тенгдошлари қишлоқдан чиқмай, мўмай даромад топаётганини эшитиб, ишон-ишонмай ортига қайтгани ҳам, бугун ишбилармонга айлангани ҳам рост.

Адоғи кўринмайдиган дала. Эрта тонг бўлишига қарамай, иш қизгин. Кимдир тарвузлюсини бегона ўтдан тозалаш билан банд. Яна биров сув қувурини назорат қилиб юрибди. Хуллас, яқин атрофда бекорчи кишини учратмайсиз. Маҳалла фаоли ёш



Ислохотлар амалда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ халқ турмуш даражасини ошириш учун янги истиқболларни очади

Мамлакатимизда ҳар йилги давлат дастурларини 5-10 йиллик даврга мўлжалланган стратегик режалаштириш асосида қабул қилиш амалиёти шаклланди. Хусусан, жорий йил 21 февралда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлар доктори, профессор

Кенг оммавий муҳокама асосида ишлаб чиқилган дастурда жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаш илоҳоти олинди. Аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, таълим сифатини илгор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишига эришиш ва камбағалликни қисқартириш унинг асосий мақсади этиб белгиланди. Дастур мамлакатни ривожлантиришнинг деярли барча соҳаларига дахлдор юзлаб аниқ вазифа ҳамда тадбирларни қамраб олган.

Дастур қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та йirik лойиҳа ишга туширилиши учун маблағ ажратилиши, иқтисодиёт тармоқларига 275 триллион сўм кредит ресурси йўналтирилиши назарда тутилди. Бу катта ҳажмдаги маблағ бўлиб, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар давлатнинг тўғридан тўғри молиявий қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилади.

Ҳар бир соҳага алоҳида эътибор

Юртимизда “Ёшлар — янги Ўзбекистоннинг бунёдкорларидир” ғоясининг амалга оширилиши таъминланган ҳолда, йигит-қизларнинг камол топишига шарт-шароитлар яратилмоқда. Унинг энг муҳим мақсадларидан бири ёшлар учун қўлай муҳит яратиш беришдан иборат. Дастурда таълим тизимини яхшилаш, ёшлар таълим олишнинг ривожлантириш, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг касбий салоҳиятини ошириш учун имкониятлар бериш назарда тутилган.

Давлат хизматлари, жумладан, мобил иловалар воситасида масофадан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини анча кенгайтириш, шаффоқликни ошириш, аҳолига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар режалаштирилган. Давлат хизматлари рақамлаштирилиши кенгайтириш натижасида соғлиқни сақлаш соҳасида масофадан кўрсатиладиган хизматлар сони 17 тадан 35 тагача кўпаяди, шу тарихи рақамли хизматларнинг умумий ҳажми барча давлат хизматларининг 80 фоизини ташкил этади.

Рақамли технологиялар таълим жараёнига ҳам жорий этилди, бу ўқув жараёнини жиддий равишда ўзгартириб, унга кўпроқ мослашувчанлик ва қўшимча имкониятлар бахш этди. Бу эса 5000 дан зиёд электрон таълим ресурси ривожлантирилиши ҳамда масофавий таълим учун 100 дан зиёд онлайн курс ва платформа жорий этилишини ўз ичига олади. Бу олис ҳудудларда яшовчи ёшларга йirik шаҳарларга бормасдан сифатли таълим олиш имкониятини беради.

Таълим сифатини ошириш учун илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда чет тилларга ва муайян касбга ўқитишни рағбатлантириш амалиёти кенгайтирилмоқда. Бугунги кун воқеалари ёшлар рақобатлаша олиши ҳамда замонавий ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётган талаб ва эҳтиёжларига

мослашишни таъминлайдиган даражадаги билимларга, малака ҳамда кўникмаларга эга бўлишни талаб қилмоқда. Шу сабабли ўқувчиларда реал ҳаётда зарур бўладиган, ишлаб рўзгор тебратиб имкониятини берадиган билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурларини ривожлантириш режалаштирилмоқда. Эркин фикрловчи ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий олий ўқув юртралига юборилган ёшлар сони икки баробар ошириш мўлжалланмоқда.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 12 миллион ёш қамраб олинган эди. Лойиҳа ғолиблари ҳамда совриндорлари учун маҳаллаларда 623 та спорт майдончаси қурилди. Бизнес билан шуғулланишга қўшимча шароит яратиш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг камида 40 фоизини ёшлар тадбиркорлиги ривожига йўналтириш назарда тутилди. “Ёш тадбиркор” танлови асосида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва ғояларини саралашдан ўтказиш, республикада саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаригача миқдорда имтиёзли кредит ажратиш ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит ставкасининг 50 фоизини қоплаб бериш, ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгаларини хорижий давлатларга малака оширишга юбориши кўзланган.

Дастурда халқаро стандартлар асосида барқарор ривожланиш моделига мослаштирилган 50 фоизини қоплаб бериш, ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгаларини хорижий давлатларга малака оширишга юбориши кўзланган. Дастурда халқаро стандартлар асосида барқарор ривожланиш моделига мослаштирилган 50 фоизини қоплаб бериш, ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгаларини хорижий давлатларга малака оширишга юбориши кўзланган.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами иқтимоий ҳимоясини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш дастурининг алоҳида йўналиши этиб белгиланган. Ҳужжат иқтимоий кафолатларни кенгайтириши, меҳнат шароитларини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш орқали турмуш даражасини ошириши ҳамда сифатли таълим олиш, табибий ва иқтимоий хизматларнинг фойдаланиш имконияти таъминланиши назарда тутилди.

Бундан ташқари, инсон капитални ривожлантириш ва аҳоли турмуши сифатини яхшилаш чора-тадбирлари учун 10 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратилди. Ўшбу чора-тадбирлар ижроси жараёнида аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ва сифатини ошириш учун 3 миллиард долларлик инвестиция жалб этилган ҳолда, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимлари янгиланди ҳамда



Аҳолининг кам таъминланган қатламларини иқтимоий ҳимоялаш, шу жумладан, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш орқали қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати жами 5 миллиард долларга тенг чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

модернизация қилинади. Олий ва касб-ҳунар таълими олишда тенг имкониятларни таъминлаш учун 2 миллиард доллар йўналтириши, шу жумладан, янги таълим грантлари ва стипендияларни жорий этиш режалаштирилган. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини иқтимоий ҳимоялаш, шу жумладан, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш орқали қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати жами 5 миллиард долларга тенг чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

500 миң оила учун арзон квартиралар қурилишини назарда тутуви иқтимоий уй-жойлар қурилишини рағбатлантириш дастурларига 2 миллиард доллар йўналтирилади. Бу уй-жойлар етишмовчилигини анча камайтириш ва қўллаб-қувватлашга яшаш шароитларини яхшилаш имконини беради. Ҳуқуқат экологик барқарорликка ва “яшил” иқтисодиётга ўтишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун бозор тамойиллари асосида “яшил” энергия сертификатлари айланганини ташкил этиш, иссиқхона газлари халқаро савдосига доир лойиҳаларни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш, иқлим ўзгариши соҳасида замонавий мониторинг, ҳисобдорлик ва тасдиқлаш тизимини (MRV) ҳамда маълумотлар базаларини босқичма-босқич жорий қилиш, шунингдек, чет элик инвесторлар иштирокида Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 700 МВт бўлган 6 та йirik

қуёш электр станцияси фойдаланишга топширилишини таъминлаш режалаштирилган.

Ўшбу чора-тадбирлар иссиқхона газлари чиқарилишини камайтиришга нисбатан тизимли ёндашувни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш рағбатлантирилишини, “яшил” энергетика секторини инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни таъминлайдиган аниқ механизмга эга бўлиб, бу экологик барқарорликка эришишга ва иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларига ўтишни тезлаштириш мақсадида кейинги беш йилда шомол энергетикаси ва биоэнергетика билан боғлиқ лойиҳаларга 1 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда. Бу энергетика мажмуини диверсификациялаш имконини беради ва ёқилгининг қазиб олинган турларига боғлиқликни камайтиради. Ўшбу лойиҳалар қайта тикланувчи энергия манбаларини миллий энергетика тизимига уйғунлаштириш (интеграция қилиш) учун зарур инфратузилмани ривожлантиришга, жумладан, электр узатиш линиялари ва энергияни сақлаш тизимларини қуришга йўналтирилади.

Шу тарихи “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини улушини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар экологик барқарорликка эришишга кўмаклашибгина қолмай, иқтисодий ривожланиш ва халқ турмуш даражасини ошириш учун янги истиқболлар ҳам очади.

Таълим дастурлари ва курслари — ёшлар учун имконият

Рақамли технологиялар ва ахборот хавфсизлиги соҳаларида аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ўшбу йўналиш муҳимлиги инобатга

олинган ҳолда дастурлаш, киберхавфсизлик ва рақамли савдохонлик соҳасида билимларни оширишга қаратилган таълим дастурларини жорий этиш назарда тутилган. Бу эса рақамли иқтисодиёт шароитида самарали ишлашга ва ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашга қодир малакали мутахассислар тайёрлишини таъминлайди. Яна бир муҳим янгиланиш назарий билимларни аниқ лойиҳалар доирасида амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш (интеграция қилиш) ўқув курслари жорий этилишидир. Бу таълим муассасаларининг корхоналар ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорлигини кўзда тутиш ҳамда таълим олувчиларга зарур назарий асосларни ўрганибгина қолмай, балки аниқ лойиҳалар ва тадқиқотларда иштирок этиб, амалий тажрибага эга бўлиш имконини ҳам беради.

Мазкур ташаббус доирасида келгуси икки йилда ана шундай 200 дан ортиқ курсни жорий этиш режалаштирилган бўлиб, 10 миңдан зиёд талабани ҳақиқий амалий ахзамиятга эга лойиҳаларда бевосита иштирок этишини таъминлайди. Ўшбу ҳамкорлик таълим олишда назария ва амалиёт ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди, бундан ташқари, битирувчиларнинг меҳнат бозори талабларига тезкор мослашувига кўмаклашади.

Инновация фаолиятини жаддалаштириш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув юртрали ҳамда илмий марказларда 50 та инновация хаби ва 30 та тадқиқот лабораторияси ташкил этилиши назарда тутилган. Бундан мақсад талаблар ва аспирантларнинг илмий тадқиқот салоҳиятини ошириш, уларни иқтисодиёт ҳамда иқтимоий ҳаётнинг турли жаҳдаларида амалиётга қўлланилиши мумкин бўлган инновация лойиҳалар ва ишланмаларни яратишга рағбатлантиришдан иборатдир.

Ташаббуслар доирасида мазкур инновация хаблари ва тадқиқот лабораторияларини

жиҳозлаш ҳамда фаолият кўрсатиши учун жами 200 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этиш кўзда тутилди. Маблағ замонавий илмий асбоб-ускуналар харид қилишга, таълим дастурлари ва курсларини ишлаб чиқишга, истиқболли лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Натижада 5000 дан зиёд ёш олим қўллаб-қувватланади, уларга ўз ғояларини рўёбга чиқаришда, ҳаётга таъбиқ этишда ҳамда мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишда кўмаклашилади.

Вазифалар ижроси қандай таъминланади?

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат сингарини давлат дастури ҳам рўёбга чиқарилиши жараёни устидан назорат механизми бўлишини таъминлаш зарур. Ҳужжатда бундай назоратни амалга ошириш субъектлари ва шакллари аниқ ҳамда қатъий белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий вакилик органлари томонидан жойларга чиқиб давлат дастурининг ижроси ўрганилади, давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботлари аниқ чора-тадбирлар белгилаши, шунингдек, масъул шахсларнинг ҳисоботларини кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирокида мунтазам эшитиб боришни йўлга қўйиш керак.

Бундан ташқари, жойларда давлат дастури амалга оширилиши, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши жараёнининг тизимли мониторингини юритиш учун қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши мумкин. Бунинг учун давлат ижросини сифатли ва ўз вақтида текшириш шакллари ҳамда воситаларини белгилаб олиш керак бўлади. Шунингдек, жамоатчиликни хабардор қилиш учун дастурни амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, улар чет тилларда эълон қилиниши ва кенг тарқатилишини таъминлаш лозим.

Назарда тутилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш ҳужжатининг ижроси самарали ташкил этилиши устидан шахсий жавобгарлик тегишли раҳбарлар зиммасига юклатилган ҳолда таъминланади. Дастурдаги ҳар бир тадбир ижроси устидан мувофиқлаштириш, жавобгарлик ва назорат қилиш муайян мансабдор шахслар зиммасига юклатилган бўлиб, улар давлат дастури доирасидаги чора-тадбирлар ҳақида мунтазам равишда ахборот бериб бориши керак.

Давлат дастурининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш учун махсус онлайн платформани ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, у мунтазам янгиланиш турилади ва дастур бажарилиши жараёни, шу жумладан, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги режалар ҳақидаги барча қаломбар ахборотни ўз ичига олади. Ушбу платформа барча манфаатдор томонларга, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятга ахборотдан фойдаланиш имкониятини беради. Бу давлат бошқаруви шаффоқлигини оширишга ҳамда фуқаролар ва ҳамкорлар ишончи мустаҳкамланишига кўмаклашади. Бунга қўшимча равишда жамоатчиликнинг давлат дастури мақсадлари ва вазифалари ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган қатор маърифий ва ахборот кампанияларини ўтказиш йўлга қўйилади.

Бу тадбирлар, семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатларини ўз ичига олади, уларда мутахассислар ва экспертларинга тезкор мослашувига кўмаклашади.

Инновация фаолиятини жаддалаштириш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олий ўқув юртрали ҳамда илмий марказларда 50 та инновация хаби ва 30 та тадқиқот лабораторияси ташкил этилиши назарда тутилган. Бундан мақсад талаблар ва аспирантларнинг илмий тадқиқот салоҳиятини ошириш, уларни иқтисодиёт ҳамда иқтимоий ҳаётнинг турли жаҳдаларида амалиётга қўлланилиши мумкин бўлган инновация лойиҳалар ва ишланмаларни яратишга рағбатлантиришдан иборатдир.

профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг рағбатлантириш механизмидаги кучайтириш зарурлигини аналтади.

Авал ваъда беришда, кейин қўрқитишда...

Юридик адабиётларда воғга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш деғанда 18 ёшга тўлган шахс томонидан алдаш, ваъда бериш, қўрқитиш ва бошқа йўллар билан воғга етмаган шахсларни жиноят содир этишга жалб қилиш тушунилади.

Унутмаслик керакки, бундай хатти-ҳаракатлар учун қонунчилигимизда тегишли жавобгарлик белгилаб қўйилган. Фикримиз қўруқ бўлмаслиги ва ўқувчилар мазму доирасида кенроқ тасаввурга эга бўлиши учун қуйида бир суд амалиёти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри Учтепа тумани судида қўрилган мазкур жиноят иши тафсилотлари барчамизни хушёр бўлишга ундайди. 19 ёшли икки йигит — Э.Қ. ва К.Н. ҳамда Туркиянинг Мерсин университетини 2-босқич талабаси, 20 ёшли У.Х. ўзганинг мулкни очқандан очқандан талон-торож қилиш ва моддий манфаат кўриш мақсадида ўзаро тил бириктиради. Ачинарлиси, бу гараз ниятига етиш учун 10-синф ўқувчиси, воғга етмаган Р.А.ни ҳам жиноятга жалб этади.

Уларнинг режа ва йўл-йўриқларига биноан О.Р. жарланувчи Р.А. билан аввал интернет орқали танишади, яқиндан суҳбатлаша бошлаб, уни юзма-юз учрашувга таклиф қилади. Р.А. келишилган жойга етиб

келгач, А.Р. уни уч акасини ўтирган машинага бошлайди. А.А. машинага ўтиргач, улар биргалашиб, зўрлик ишлатиш йўли билан унинг суммаси ва чўнтағиди, ҳатто телефонни филофи ичидан пулларни, қўл соатини тортиб олади. Пулларни ўзаро тақсимлаб, шахсий эҳтиёжларига сарфлайди.

Жиноий ҳаракатлар шу билан тўхтаб қолмайди. Улар ўша кун Р.А. билан ноэтик масалда савол-жавоб қилишда ва бу суҳбатни телефонга ёзиб олади. Кейин эса унга яна кўнгирак қилиб, 100 доллар ёки 3 қизин топиши ва улар билан “вақт ўтказиш” учун шароит яратиб беришини талаб қилади. Агар шартни бажармаса, видеолархона интернетда тарқатиб юборишини айтиб, қўрқитади. Уларнинг фирибдан кутулиб бўлмаслигини сезган А.А. хуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этади.

Суд уларнинг бу жиноий қилишларини кўриб чиқиб, уювлоннинг қўллаб-қувватлашга қаратилган улуғвор режалар ва вазифаларни ўзда мужжасам этган.

Эътиборсиз қолган гул қуришга маҳкум. Ёш нихолда вақтида сув қуйилиб, парварিশ-лаб турилмаса, илдири олмайд, кўкармайди, мева бермайди.

Фарзанд ҳам худди шундай. У маънавий ва жисмоний кучга тўлиб, ҳар томонлама мустақил фикрга эга бўлмагунча эътиборсиз қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Бугунги шиддатли ахборот асри, маънавий таҳдидлар бўронини бизни ҳар лаҳза хушёр бўлишга ундайди. Акс ҳолда, кеч бўлади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, журналист

Долзарб мавзу

ОҚ ҚОҒОЗДАГИ ОҚ ҚАНДЛАР ёхуд “Ёш бола эмасман-ку”

Болагимизда онамнинг ҳадеб тергашлари, мактабдан сўнг уйга салгина кеч қайтсак ҳам қаттиқ гапириши, ҳар қадамимизни ўлчаб, ҳар дақиқамизни назорат қилишдан ўзимизча хафа бўлмасдик. Бор-йўғи 5-6 синф ўқувчиси бўлсакда, “Ёш бола эмасман-ку, нега бунча ишонимсизмиди?” деб ўзимизча иззат-нафсимизни ҳимоя қилгимиз келарди.

Буни сезган буним бизни секин ёнига олиб, эринмай тушунтирди: “Фарзанд оппоқ қоғозга ўралган оқ қанда ўхшайди. Уни асрамансан, доғ бўлади. Доғни эса бир умр кетказиб бўлмайди. Сизлар қалбимиз қўридаги оппоқ қандларимизсизлар”.

Иилар ўтди, қанча сувлар оқди. Бугун ўзимиз ота-онамиз. Ён-атрофга назар солганимиз, турли воқеа-ҳодисаларни эшитганда ёки гувоҳ бўлганда, яхшиям ўшанда бизнинг қаттиқ назорат қилишган экан, дея ота-онамиздан хурсанд бўламиз. Энди ўзимиз дилбандларимизнинг юриш-туриши, ўзини тутуши, хуллас, ҳар қадамини назорат қилмасдик. Оқ қандларимизга доғ тушмасдик, дея минг хавотирда асраймиз. Улар эса гоҳ пинҳон, гоҳ ошкора биздан ранжийди: “Ёш бола эмасман-ку”.

Дунёни ларзага солаётган “криминал маданият”

Катта ёшдагилар томонидан воғга етмаганларни ноқонуний ҳаракатлар — гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилиш ва жиноятга жалб этиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани бутун дунёда энг оғриқли муаммага айланмоқда. Оқибатда оғир ва ўта оғир, хусусан, тиланчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фохишабозлик каби жиноятлар статистикаси кундан кунга ошиб бормоқда. Маълумотларга қўра, воғга етмаганлар жиноятларнинг 30 фоизга яқинини катта ёшдагилар тасфирда содир этмоқда. Уларнинг асариятини ўғрилиқ,

баданга турли даражада шикаст етказиш, фирибгарлик, босқинчилик, номусга тегиш кабилар ташкил қилади.

— Воғга етмаганлар руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида тўлиқ шаклланмагани бос, алдаш ва таъсир ўтказиш осон, — дейди Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри Учтепа тумани суди судьяси Бобомурод Каримов. — Эгриликни касб қилиб олган кимсалар эса уларнинг бегуборлиги, соддаланишдан фойдаланиб, ўзининг турли гайри мақсадларини амалга ошириш учун бошқариш, йўналтириш, жиноят қилишга жалб этишга уринади. Борди-ю ёшлар катталар томонидан бефарқ қолдирилса, ўша манфур кимсалар ниятига эришишга улгуради ҳам. Шу жиҳатдан воғга етмаганлар алоҳида муҳофаза ва эътиборга муҳтож.

Хуфазли жиҳати, воғга етмаганларни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар иқтимоий қадрияти ва аъналар, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига зарар етказиши. Ўсиб келаётган авлод салоҳиятини бузгунчиликка йўналтириши, воғга етмаганларни “криминал маданият” турмуш тарзига

ўргатади. Шунингдек, жамиятда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳи мустаҳкамланишига тўсқинлик қилади. Улар билан боғлиқ жиноятларнинг иқтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлибгина қолмай, янги, ёши ва гайратли, кучга тўла жиноятчилар савфи кенгайди.

Энг даҳшатли жиҳати, бундай шахслар содир қилаётган қилмишининг қай даражада иқтимоий хавфлиликни билмай ёки англамай жамиятга жуда катта зарар етказиши мумкин. Масалан, бирор объектка ўт қўйиш, номусга тегиш, гиёҳвандлик воситаларини ташқиш, муайян шароитда қуролдан ўқ узиш ва ҳоказо. Бундай ҳаракатлар воғга етмаган бола онгиди сақланиб қолади ва у катта ёшга етганда ҳам ахлоққа зид ҳаракат ёки жиноят содир қилишни рағбатлантиради. Воғга етмаган вақтида жиноят содир этганларнинг келажақда рецидивист бўлиш эҳтимоли бир неча баробар ортади.

Бу эса воғга етмаган шахсларни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга, жиноят содир этишга жалб қилганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятлар



МУНАВВАР САЙИЛГОҲ



Буюк мативарат зиёси

Пойтахтимизда Адиблар хиёбони бунёд этилганига 4 йил тўлди

Эзгуликнинг тотли мевалари

Ўтган йилнинг ёз кунлари эди. Тахририятимизга бир қиз ийманибгина кириб келди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси экан.

— Мақола олиб келган эдим. Чоп этишининг иложи бўлармикан?

Қоралама билан танишиб чиқдим. Мунаққид, адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафидинов фаолияти ҳақида курак сатрлардан иборат нималардир битибди.

— Бунга эшигингизга нима туртки берди?

— Университетимизнинг аксарият тадбирлари, ижодий-бадиий кечалар, мушоиралар Адиблар хиёбонида — домланинг ҳайкали пойида ўтказилади. У кишининг ижоди, фаолиятини алоҳида ўрганамиз. Домлаларимиз шулар ҳақида мақола ёзишимиз кераклигини айтганди.

— Сиз у тадбирларда кам иштирок этасиз, шекилли. Охириги марта қачон Адиблар хиёбонида бўлдингиз?

— Ўтган йили...

— Эринмасдан яна боринг, Озод Шарафидинов ва миллатимизнинг бошқа оидинлари ҳайкаллари ижодий кайфиятда эриб қилинган. Мақолани бошқадан ёзиб келинг, мана, кўрасиз, бундан ўзингиз ҳам завқ оласиз, ёзганларингиз ҳам жонли чиқди, — деб маслаҳат берган бўлдим.

Бир ҳафталардан кейин талаба қиз останада яна пайдо бўлди.

— Бу бошқа гап, — дедим мақоласига кўз югуртириб. — Аввалгиси билан бунисининг фарқини ўзингиз ҳам билгандирсиз?

— Ҳа, билдим, маза қилиб ёздим, раҳмат.

Талаба қизнинг мақоласини газета имкониятлари ҳажм жиҳатидан чеклангани боис, электрон сайтимида эълон қилдик. Шундан кейин унинг фаолиги ошди, яхши услуб ва жонли тилда ёзилган ишларини тез-тез олиб келадиган бўлди. Айримларини имкон қадар кенг оммага хавола қилдик.

Бу гаплари эслашимнинг боиси бор, албатта. Бундан ропра-роса 4 йил аввал — азим пойтахтимиз Тошкентнинг энг сўлим гўшаси Миллий бозор ҳудудига ажиб бир гўзал маскан — Адиблар хиёбони бунёд этилган эди. Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 20 май кунини ушбу лойиҳа ташаббускори ўлароқ масканга таширф буюриб, амалга оширилган бунёдкорлик



ишлари билан танишди, маърифат аҳли, ижодкорлар билан дилдан суҳбат курди.

Айнан шу мулоқот чоғида Президентимиз томонидан айтилган “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бундан маънавиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз”, деган гаплар ижод аҳлига қанот берди.

Ҳақиқатан, адабиёт намояндлари ва ижодкорлар ихтиёрига бериб қўйилган бундай кўркам гўша бошқа мамлакатларда топилмайди. Хиёбоннинг аялғи мейморий мажмуаси дид ва фаросат билан бунёд этилгани, гуллар ва дарактлар, йўлак ва ҳатто чиқроқлар бир-бирига уйғун ҳамда мутаносиблиги бунга гувоҳлик бериб турибди.

Ушбу таширф довомида таъкидланганидек, “Адиблар хиёбони биргина адибларники эмас, бутун халқники, миллатники, миллат келажиги бўлган ёшларники. Адабиёт, китобхоналик ўрнини интeрнeтга бoй бeриб қўймаслик керак”. Адабиёт ва китоб ўзининг

азалий ўрни ва мақомини қайта забт этмоғи учун ҳам бу ишга олий ўқув юртлири кенг жалб этилди.

Шу мақсадда ўша йилнинг 24 август кунини Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори чиқди ва ҳужжатда назарда тутилган вазифалар қаторида ҳар бир ҳайкал — мажмуа биттадан олий ўқув юртига бириктирилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонларини жорий қилиш асослари, тартиби, ушбу стипендия ва кўкрак нишонлари билан тақдирлаш мезонлари, стипендияларни тўлаш муддатли миқдори ва бошқа мезонлар назарда тутилган Атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонлари тўғрисидаги намунавий низоом тасдиқланди.

Бу ёшлар, талаба ва ўқувчилар ўртасида атоқли адиблар мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, адабиётга қизиқилишни янада ошириш, рағбатлантириш мақсадига яна бир дадил қадам бўлди. Демак, мухтастар қилинса, бу тахририятимизга Озод Шарафидинов ҳақида мақола кўтариб келган талаба қизнинг тимсолида минглаб ёшларнинг кўнглида куртак отган эзгулик новдалари ўз мевасини беришни бошлаганидан дарақдир.

“Айвонида Ҳазрат дуо қилиб турган пирхонадур”

Дунё миқёсида маънавиятимиз донги юксалишида, қадриятларимиз қадрланишида, урф-адобиимиз улуглинида, жаҳон тан олган кўхна тарихимиз етти иқлимга машур бўлишида миллий адабиётимизнинг ўрни беқас. Адиблар хиёбони эса нафақат адабиёт аҳлини бириктирадиган, адабиётга янада яқинлаштирадиган маънавий маскани, балки халқимизни маърифат ва маданият билан узвий боғлайдиган, ноёб истеъдод эгаларининг руҳига, сиймосига

ҳурмат ва эҳтиром бажо келтиришга чорлайдиган муқаддас гўша вазифасини ўтамоқда.

— Адабиётга эътибор бир-икки мартилик иноят еки недандир мутаассирлик натижасидан олий ҳиммат эмас, давлатнинг улуксиз халқасимон ҳаракат сифатида мутасило давом этувчи ижтимоий-маънавий сиёсати сифатида бардавом бўлапти, — дейди атоқли адабиёт-

боққа нисбатан деярли орқа ўгириб турар, баъзи адибларнинг боғ кўйида қад ростлаган ҳайкаллари турли ҳолатда тарқоқ жойлашган эди. Яқиний ечимда эса Навоий шеърят чўққисидан туриб боғнинг ҳар қарчинини муборак нигоҳлари билан қамраб олган. Барча ҳайкал ўз турган жойидан ҳазрат томонга кўз тиккан! Зеро, шоир айтганидек:



шунос Шухрат Ризаев. — Бунга жамиятшунос олимларимиз илмий-амалий неғиздаги доимий ўсиб бораётган жараён ўлароқ баҳолаб, босқич ва даврларга таснифлаб ўрганмоғи такозо этилади. Дарҳақиқат, адабий сиёсат борасида ҳеч бир мафзуравий мажбурият юкламай, қалам аҳлига пойтахт марказида махсус бино қуриб берилиши, ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, уй-жой шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини ошириш ва ижод билан шугулланишга имконият яратиб бериш, китобларини чоп этиш, ёш истеъдодларни ҳар жаҳатдан қўллаб-қувватлаш каби катор ишлар, агар таснифланса, аялғи бир босқични ташкил этади.

Хиёбонни айлансангиз, унинг аввалиги қиёфаси хотиранингизда гавдаланади. Дастлабки ҳолатда Ҳазрат Алишер Навоий ёдгорлиги

Бул Адиблар хиёбони — кўринг қандай нурухонадур, Мудом баҳор яшнаб турсан, боғи эрам, улхонадур, Айвонида Ҳазрат дуо қилиб турсан пирхонадур, Пок кўнглилар нур соғувчи мунавар сайлгоҳ бўлғай.

Синовларда тобланган кўтлуг сўз

Инсоният тарихида ҳеч бир ўзгариш ўз-ўзидан юз бермаган. Бирор мамлакат йўқки, ақлу закосиз, меҳнат ва машаққатсиз бир

янгиликка, бир юксалишга эришган бўлса. Мамлакат тараққийси ҳамма замонларда, ҳар қандай шароитларда қалби уйғоқ, халқпарвар одамларга, илмли, зиёли кишиларга боғлиқ бўлиб келган.

— Президентимиз бундан 4 йил аввал шу ерга таширф буюриб, биргина Навоий ҳазратларининг бой маънавий мероси, серқирра ижоди юртимиздаги бутун ижод аҳлига бўлган чексиз ҳурмат, эҳтиром учун кифоя қилишини айтиб ўтган эди, — дейди таниқли шоир Нодир Жонузоқ. — Шундай экан, маънавиятни, адабиётни англаш учун Навоийни англаш керак. Шунингдек, давлатимиз раҳбари бу ҳайкаллари “тириштириш” керак, деган рамзий ва ўта масъулияти бир вазифани юклаган эдик, том матнодаги бир жонлангириш 4 йил аввал илк қадам ташланди. Ҳозир бу масканда доимий ўтадиган маънавий соатлари буюк сиймоларнинг ҳар бири ёшларимиз кўз ўнгига жонлангиришга хизмат қилмоқда.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалби ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида кеча-кетган мушоиралар, баҳсу мунозаралар ва учрашувлар бутун Адиблар хиёбонига кўчган. Вақт ўтгани сайин фойз ва тароватга тўлиб бораётган маънавий масканда жам бўлаётган ўқувчилар, талаба ёшлар кўнглида ишонч ва меҳру муҳаббат шуъласидан кўнглилар завқ олади.

Бу ерда сўз заргалари Заҳририддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Оғаҳий, Муқимий, Бердақ, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Гафур Ғўлом, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Мақсууд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Санд Аҳмад ва Санд Зуннунова, Тўлепбергел Қанпбергел, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафидинов, Абдулла Орипов, Александр Файнберг ва Муҳаммад Юсуф гўёки Ҳазрат Алишер Навоий бошчилигидаги машваратга жам бўлган. Бу абдиётга юз бурган, ўғур нури билан чексиз манзиллари, зулматга мо-ийл худудларни адоқсиз ёритиб турадиган буюк машваратдир.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қадрият

ШИРМОЙ НОН НЕГА ЁПИЛМАЙ ҚЎЙДИ?

(Йўлнома)

Қамчиқ довони орқали яна ота юрт сафарига отландик. Ангрэн қирларидан сўнг “довон туялари” деб номланган салобатли тоғлар бағридан ўтаётиб, атрофдаги яшиллик жонбахш баҳор шабодасидан кўнглимиз яйради. Ойбек домла таърифлаганидек, қуёшга бир сават оқ гул тутиб мастона тебраниб турган наъматакларнинг “юксакда, шамолнинг беланчагида”ги рақсидан масрур бўлиб кетарканмиз, ҳамроҳим 85 ёшли Хадичахон ая набираси Мاستурахонни огоҳлантирди:

— Қизим, кўзим кетиб қолса, Қўқон патирлардан сотиб олиш эсингдан чиқмасина...

— Қайси биридан, буювжон?

— Ох, қани энди, ширмой нонларимизни ҳалиям новвойларимиз ёпаётган бўлсайди, мен ширмой кучалардан олгин, болом, деб айтган бўлардим.

Аянинг сўзлари хотирларимни қитқилди:

— Эҳ, аяжон, бир пайтлар тўйларимиз ширмой кучаларсиз ўтмас эди. Мен ҳам ўша кучаларнинг мазасини чечам унутмайман...

— Қўқон бозорларида ширмой нон кўринмай қолганига анча йиллар бўлди, — деди афсус билан Хадичахон ая.

— Роса мақтадиглар, шунақа ширин бўлармиди ўша кучалар, буювжон? — деб сўради Мастурахон.

— Ҳа, болом, момоларимизу боболаримиз табиий махсулотлардан тайёрлаган нонлару

ширинликлар шакли солинмаса ҳам жуда мазали ва шифобахш бўлган.

— Аяжон, мен яқинда Марғилонга борганимда Қумтепа бозорига кирдим. Марғилонда новвойлар ҳалиям ширмой ёпишар экан. Ўша қадимги ширмой нонларимизнинг мазасига жуда ўхшаш, — дедим.

Сўзларимни эшитиб, Хадичахон аянинг кўзлари порлаб кетди. Ҳамроҳимнинг севинганини кўриб, марғилонлик новвой Анваржон Қосимов билан суҳбатимизни сўзлаб бердим. Қўли ширин новвойнинг айтишича, ширмой нонга қўшнча қанд касаллиги бор беморлар буюртма қилади.

— Қайси кунини бир йилгит тандирдаги ширмой нонларнинг ҳеч бирини узиб олмаган, тандирда тураверсин, мен сотиб оламан, деб қолди, — дея ҳикоя қилган эди Анваржон ака. — Шунча нонини нима қиласиз, ростидан сотиб оласизми, деб сўрадим. “Ҳа, амаки, сотиб оламан. Дамининг қанд касали бор. Ширмой ўша касалга қара бўларкан”, деди. Эртасига тандирни очиб давомас, нонларнинг ҳаммаси тандирдаги кул устига тушиб кетган, Аллоҳнинг қудрати билан ўша нонлардан шаклар сизиб чиқаётган эди. Мўъжиза эмасми бу, ахир? Сизга яна бир сирини айтсам. Ширмой нон ёпиш жуда озник иш. Агар ҳамир тайёрлаш пайтида тоза ва покча ҳолда бўлмасангиз, ҳамирингиз ўхшамайди. Нонини тайёр бўлгунча новвойнонага сигарет чекаётган одамни ҳам киритмайман.

Хикоям Хадичахон аяни илҳомлантириб юборди:

— Бизнинг маҳаллада ҳам бир пайтлар ширмойни амаки бўлар эди. Акам шу новвойга шоғирд тушган. Ҳамиртрушининг ўзи 24 соатда тайёр бўларди. Акам бизга



музқаймоққа ўхшаб кўпириб чиққан ҳамиртурушини кўрсатиб, ноннинг мазаси мана шу ҳамиртуруш туфайли, дерди. Эрталаб акам иссиқини ширмой нон олиб кириб келганида уйимизни хушбўй ҳид тутиб кетар, ҳаммамиз дастурхон атрофига шошиб қолар эдик. Ҳозирги нонларни бугун маза қилиб ейсиз, холос, ширмойнони эса совангиздан кейин икки-уч кун ўтиб есангиз ҳам чайнаганингиз сари мазаси чиқарверди. Байрамларда бозорларимиз ширмой кўлча, ширмой патир, қўшалоқ ширмой, “пайванди”, “обу хол”, “парча гулли ширмой” деб номланган нонларга тўлиб кетар эди.

Йўлга тушганимиздан бунён сўзларимизни индамай тинглаб кетаётган ҳамроҳимиз Муазамхон опа ҳам бехиштиёр суҳбатимизга қўшилди: — Ҳалидан бери ширмой нон ҳақидаги сўзларингизни тинглапман-у, қизим Робияхон

ширмой нон топиб келаман”, деб чиқиб кетди. Онам “Ҳах, эсингиз кўрин-а, ахир ширмон бериб катта қилганман-у укангиз”, деди. Шундан сўнг дадам қўшнлардан олиб келган қуритилган ширмой нонини ивтиб бўтқа қилиб берсак, қизим Робияхон роҳатланиб ичган эди.

Муазам опанинг гапларини тутатар-тутатмас Хадичахон ая суҳбатимизни давом эттириб кетди:

— Қаран-а, шу ёшга кириб шундай бўтқа борлигини эшитмаган эканман. Чиндан ҳам ширмой жуда шифобахш ва тўйимли нон. Ундан тайёрланган бўтқа ҳам қандай сунъий “кашадан яхши-да, болом. Момоларимизнинг билгани билан. Мен умрим бўйи ўқитувчилик қилдим. Дарсларимда болаларга нон билан боғлиқ қўллаб мақол ва ривоятлар сўзлаб берганман. Қўзалоқ пайтимида буюм раҳматли синглимни беланчада тебатиб қўйиб қўйлар эди:

Жом болом оми, Ок буюдоининг нони, Ҳалма ёмон кўрса ҳам Буювсининг эксини.

Чиндан ҳам, халқимизда нон ва фарзанд доимо юксак қадрланган. Хадичахон аянинг бу қўшиғи болагимни, нон билан боғлиқ қадриятларимизни эсга солди. Синглим туғилганида Тошкан экан уни биринчи марта қўлга олиб кўтарганида чақалоқнинг қўкси устига иккита нон қўйиб кўтаргани ёдимда. Ушбу одат замирида “Боло нондек қадр-қимматли, бағри бутун бўлсин”, деган ният бор.

Ширмой нон ҳақидаги ҳикояларимиз бир-бирига улашиб доводдан қандай ўтганимиз ва нон бозорга етганимизни ҳам билмай қолдик. Ҳайдовчи йилгит бекатга тўхтар-тўхтамас нон сотувчи опаларнинг ширин илтифотлари эшитила бошлади:

— Ҳой, қорақош укам, жиззали патирлардан олиб кетинг. Сизга энг ёғли ва энг ширинларини танаб бераман! Оласизми, укажон?

Ҳайдовчи йилгит Хадича холага бир қараб қўйди-да, сотувчи опага жавоб қайтарди:

— Мен олсам, ширмой нон оламан. Сизда шундай мазали ва тансик нонлардан борми, опажон?

— Келаси сафар сиз учун ўзим ширмой ёпиб чиқаман, ўргилай, укажон. Онам раҳматли шундай нон ёпишни ўргатган. Лекин анчадан бери ҳеч ким сурамагани учун эсимдан чиқиб ҳам кетган экан.

Уларнинг савол-жавобини эшитиб Хадича ая ҳам эриб кетди:

— Яшанг, қизим, унутилган яхши одатларимизни тикласангиз, ўзим ўргилай! Менга ўзингизга ўхшаган чиройли патирларингиздан ўнга танаб беринг!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1686. 44034 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова Мусахҳи: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй